

Тошкент шаҳар Сергели тумани
Давлат хизматлари маркази томонидан
2025 йил «__» _____ даги
_____ -сонли реестр рақами билан

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

“TOShShAHARNUR” ДМнинг ягона
таъсисчисининг
2025 йил «__» _____ даги
_____ -сонли қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

“TOShShAHARNUR”

ДАВЛАТ МУАССАСАСИНИНГ

УСТАВИ

Тошкент 2025

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Устав “Toshshaharnur” давлат муассасасининг (кейинги ўринларда Муассаса деб юритилади) ҳукукий мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ҳамда фаолиятини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат муассасалари тўғрисида” ги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли - давлат муассасаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 695-сон қарорига мувофиқ “Toshshaharnur” давлат унитар корхонаси негизида “Toshshaharnur” давлат муассасаси этиб ташкил этилган. Муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгариши муносабати билан “TOShShAHARNUR” давлат Муассасаси “TOShShAHARNUR” давлат унитар корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Муассаса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги газначилигида шахсий газна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий газна ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Муассаса муассиси **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** (кейинги ўринларда муассис деб юритилади) ҳисобланади.

7. Муассасанинг номланиши:

тўлиқ номланиши

- давлат тилида – “TOShShAHARNUR” davlat muassasasi;
- рус тилида - государственное учреждение “TOShShAHARNUR”;
- инглиз тилида - Government Agency “TOShShAHARNUR”.

қисқа номланиши

- давлат тилида – “TOShShAHARNUR” DM;
- рус тилида - ГУ “TOShShAHARNUR”;
- инглиз тилида - GA “TOShShAHARNUR”.

8. Муассаса манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100044, Тошкент шаҳри, Кумарик кўчаси, 3-уй.

9. Муассаса белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, шунингдек, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Муассаса қонунларга, қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Уставга ва ўзининг уставига мувофиқ фаолият юритадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

11. Муассаса Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда фаолият соҳасига тегишли бўлмаган уюшмалар (иттифоқлар) шаклидаги бирлашмалар тузиши ва уларга аъзо бўлиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари Муассаса бошқа хўжалик жамиятларини таъсис этиш ҳамда уларнинг устав фонди (устав капитали)да иштирок этиши мумкин эмас.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган Муассаса, агар мазкур ҳужжатларда фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг ушбу турларини лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида Муассасани лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

II. МУАССАСАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

14. Муассаса муассиснинг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади (қайта ташкил этилади).

15. Муассаса:

- қайта ташкил этилганда ёки қайта ташкил этиш йўли билан бошқа юридик шахсга қўшиб юборилганда ёхуд ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этиладиган давлат муассасасига ўтади, мол-мулки ҳамда молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлари топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан янги ташкил этилган давлат муассасасига топширилади;

- бўлинганда эса, молиявий мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ тақсимланади, бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги вазифалардан келиб чиқиб белгиланади.

III. МУАССАСАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРИ

16. Муассаса фаолиятининг мақсади Тошкент шаҳринининг ташқи ёритилишини, бино ва иншоотларни, архитектура ёдгорликларини чироқ ва иллюминация билан безатилишини, давлат аҳамиятидаги байрам тадбирларида ёритиб берилишини шунингдек аҳолининг хизматлар бўйича талабларини қондириш.

17. Муассаса ўз мақсадларини амалга оширишда қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

Тошкент шаҳрини кўчаларини ёритиш объектларини сақлаш ташқи ёритишни масофадан бошқаришнинг ва электр энергисясини ҳисобга олишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, ишга тушириш ва тасарруф этиш;

замонавий ва энергия тежамкор ёритиш-техника ускуналарини ўрнатиш орқали электр тармоқларини, иллюминация мосламаларини, меъморий ва декоратив ёритишни янада такомиллаштириш;

муассаса тасарруфидаги ташқи ёритиш электр тармоқлари ва иллюминация қурилмаларини, чироқли таблолар ва бошқа электротехник иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хизматлари;

ТЁМБАТ (АСДУНО), ЭҲНАТ (АСКУЭ) автоматик тизимларини сақлаш, монтаж ва созлаш ишларини таъминлаш;

ностандарт конструкцияларни тайёрлаш;

қурилишлар манзилли дастурларига мувофиқ турли объектларни электр таъминоти ва ташқи ёритиш тармоқларини капитал қурилиш ишларини бажариш ва капитал таъмирлаш;

ҳозирги замон ва энг самарали ёритиш техника ускуналарини жорий қилиш билан электр тармоқлари, иллюминациали, архитектуравий безатиш ёритгичларини мукамаллаштириш;

шаҳар соати – Курантларни сақлаш ва фойдаланиш хизмати кўрсатиш, профилактика ва таъмирлаш ишларини олиб бориш билан уларнинг тўхтовсиз ва аниқ ишлашини таъминлаш;

қонуний асосларда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг, консалтинг, инжиниринг тадбирларини ўтказиш;

аҳоли, корхона ваташқилотларга турли хизматлар кўрсатиш;

internet тармоғида реклама фаолияти.

18. Муассасанинг ўз олдига қўйган мақсадларини ҳал қилишдаги асосий вазифалари қуйидагилар:

ташқи архитектуравий безатиш ёритгичлари ва ранг бериш қурилмаларининг ўрнатилгандагидек ёниб туриш тартибга риоя қилишни ва ёритилганлик даражасининг доимийлигини таъминлаш;

ташқи ёритиш электр тармоқларини сақлаш, яъни фойдаланиш хизмати ва капитал қурилиш, капитал таъмирлаш ишларини бажариш, Муассаса ўз балансида бўлган маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини капитал таъмирлаш ҳамда уларни бажариш учун лойиҳа харажати ҳужжатларини тайёрлаш;

0,4 кВ электр тармоқларини электртаъминоти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бино ва иншоотлар фасадини архитектуравий безатиш, ранг беришни дизайн жиҳатдан ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш базасини ва муассаса ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш вазифалари ва режаларини ишлаб чиқиш.

19. Муассаса фаолияти, бозор иқтисодиёти қонунчилиги асосида тузилган ҳўжалик шартномалари, пудрат ва бошқа шартномалар тузиш асосида қурилади.

20. Ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадларида:

Муассаса ўз таркибига кирган бўлинмалар ва бошқа корхоналар билан ҳўжалик шартномалари, шунингдек ўз ваколати доирасида, қонунчиликда ўрнатилган тартибларда ҳуқуқий фуқаролик тусдаги келишувлар, битимлар тузади;

бошқа корхоналар – бу Муассаса структурасига кирмаган корхоналар бўлиб, уларга қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- устунлардан фойдаланиш;
- ташкилотлар ташқи ёритиш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;
- махсус автотранспорт хизмати;
- байрам тадбирлари, концертлар, шоу-дастурларини ёритиш ускуналари билан безаш;
- объектларни иллюминациялар билан безатиш;
- дизайн ишлаб чиқиш ва объектларни бадиий безатиш;
- реклама тахталари, панолари ўрнатиш ишлари ва уларга хизмат кўрсатиш;
- техник шартларни тақдим қилиш;
- электротехник лаборатория синовлари;
- электромонтаж ва созлаш ишлари;
- маҳсулотларни сотиш.

ишлаб чиқариш, ижтимоий фаолият ва ўз эҳтиёжлари учун харажатларни ҳамда ходимлар меҳнати учун тўловларни шартнома бўйича буюртмачилардан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қоплайди;

ўз кучи билан ва бошқа буюртмачилар томонидан бажарилган ташқи ёритиш тармоқларини қурилиш-монтаж ва капитал таъмирлаш ишлари сифатини техник жиҳатдан назоратини олиб боради;

Муассаса қонун томонидан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

IV. МУАССАСАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

21. Муассаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатига кирадиган масалалар ҳамда унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган қарорлар, буйруқлар, кўрсатмалар қабул қилиш, зарур бўлганда, бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ваколатига кирадиган масалаларда давлат органлари ва тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Муассаса ваколатига кирадиган масалаларда белгиланган тартибда судларга аризалар ва даъволар киритиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари жамғармаларга эга бўлиш;

Муассаса номидан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

давлат органлари ва манфаатдор шахслардан ўз ваколати доирасида зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Муассасанинг мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариши;

ўзи қабул қилган қарорлар ҳамда буйруқларни ўз вақтида, сифати ва тўлиқ бажариши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, йўл харитлари ва бошқа дастурий ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиши ва бажариши;

ўзига бирикитириб берилган мулклар, шу жумладан, кўчмас мулклардан мақсадли фойдаланиши;

ўзига юкланган вазифа ва функциялар доирасида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

Муассаса қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

23. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлар билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, муассис давлат муассасасининг мажбуриятлари юзасидан субсидияр жавобгар бўлади.

24. Муассаса муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

25. Муассаса ташкил этган филиали ва ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

26. Муассаса давлат активларини, шу жумладан, товар-моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларининг бут сақланиши бўйича моддий жавобгар ҳисобланади.

V. МУАССАСА РАХБАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

27. Муассаса раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Муассасанинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

ходимлари билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

ходимлар бажариши шарт бўлган буйруқларни қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Муассаса номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Муассаса раҳбарининг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Муассасага юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиши;

Муассаса олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиши ва назорат қилиши;

давлат сирига оид маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонларига сўзсиз эришилишини таъминлаши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, йўл харитлари ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга оширилишини таъминлаши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт;

Муассасанинг раҳбари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

VI. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

29. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Муассаса ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар, буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш, зарур бўлганда, бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тасдиқлаш, уларнинг натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, ҳисобот якунлари бўйича зарур чоралар кўриш, бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Муассасанинг раҳбарини тайинлаш, жумладан, қонунчиликка асосан танлов натижалари бўйича тайинлаш, меҳнат қонунчилигига мувофиқ у билан меҳнат шартномасини тузиш ёки тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда бекор қилиш;

Муассасанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ўз таркибига кирадиган ташкилотларга тегишли давлат кўчмас мулки объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисида Давлатив агентлиги билан келишувга кўра қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Муассасани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Муассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Муассиснинг мажбуриятлари:

Муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари бажарилиши бўйича ҳисоботини эшитиши ва уларнинг бажарилишини доимий назорат қилиши;

Муассаса берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек, унинг бегоналаштирилишини назорат қилиши;

давлат мулки объектларини сақлаш ва бўш турган қисмидан самарали фойдаланишни ташкил қилиши;

Муассасанинг ўз мажбуриятлари ҳамда тугатилаётган мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, унинг харажатлари қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар, шу жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши шарт;

Муассисга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

VII. МУАССАСАНИНГ МУЛКИ

31. Муассасанинг Устав фонди 28 535 992 400,53 (йгирма саккиз миллиард беш юз уттиз беш миллион туккиз юз туксон икки минг тўрт юз) сўм 53 тийини ташкил этади ва қуйидагилардан иборат:

муассис томонидан давлат муассасасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан бирикитирилган мулк;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

32. Қуйидагилар Муассасанинг мулки ҳисобланади:

муассис томонидан давлат муассасасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан бирикитирилган мулк;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

33. Муассасада давлат мулкини оператив бошқариш ҳуқуқи топшириш ва қабул қилиш далолатномаси Муассасанинг раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб юзага келади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

34. Муассасанинг мулки Муассаса ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

35. Муассасанинг мулки қуйидаги ҳолларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда муассис билан келишган ҳолда тасарруф этилади:

асосий воситаларни сотиш, ҳисобдан чиқариш (бинолари ва иншоотлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари розилиги билан автотранспорт воситаларини харид қилиш, бино ва иншоотларни сотиб олиш ва/ёки қуриш;

мулкни Муассаса фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

36. Муассасанинг бино ва иншоотлари (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари), автотототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини сотиш ва ижарага бериш, шунингдек, уларга тегишли акцияларни (улушларни) сотиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда E-auktion электрон савдо платформасида аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

37. Муассасанинг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш ёки бузиш қуйидаги шартлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ сотиладиганлари бундан мустасно:

белгиланган хизмат муддатининг тамом бўлиши (тўлиқ яроқсиз деб топилиши);

уларнинг жисмоний эскириши, авариялар, табиий офатлар, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши оқибатида яроқсиз ҳолга келиши;

маънавий эскириши;

Муассасанинг бинолари қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаб қолиши;

фойдаланиш зарурати бўлмаганда.

38. Муассасасининг оператив бошқарувида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек, Муассасасининг шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулки ҳам унинг оператив бошқарувига ўтади.

VIII. МУАССАСАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

39. Муассаса муассис билан келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмасдан филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларни белгиланган тартибда ёпиши мумкин.

40. Муассасанинг филиаллари ва ваколатхоналари уларнинг муассиси номидан тасдиқланган устав (низом)лари асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган муассис томонидан мол-мулк билан таъминланади.

41. Муассасанинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Муассасанинг раҳбари томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

42. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда, ишончнома Муассасанинг раҳбари томонидан бекор қилинади.

IX. МУАССАСА ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИ

43. Муассаса фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва ҳисобдорлигини таъминлаши шарт.

44. Муассаса ўз расмий веб-сайтида ўзининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради ҳамда уларнинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлайди.

45. Очиқ маълумотлар порталида фойдаланувчилар учун қулай форматларда кўриш имкониятини яратган ҳолда Муассасанинг юқори турувчи ташкилоти, кўчмас мулк объектлари, қурилиши тугалланмаган объектлари ва автотранспорт воситалари, режалаштирилган ва амалга оширилган харажатлар таркиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларни (тижорат сири мавжуд ёки чекланган ҳолда тарқатиладиган маълумотлар бундан мустасно) эълон қилиб боради.

46. Давактив агентлигининг property.davaktiv.uz ахборот тизимида ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи 25-санасига, йил якунлари бўйича эса кейинги молия йилининг 25 февралига қадар ҳисоб объектларининг жорий ҳолати, шунингдек, молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни киритиб боради.

X. МУАССАСАНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

47. Муассаса қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳар йили ҳисобот даври тугагач, муассисга ва бошқа ваколатли органларга давлат муассасаси фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

48. Бюджетдан молиялаштирилган Муассаса бюджет тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

49. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар Муассаса раҳбари зиммасига юкланган вазифалар самарали бажарилиши юзасидан уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб

боради, мониторинг натижаларига кўра Муассаса фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

50. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича юқори кўрсаткичга эришилган ҳолда Муассаса раҳбарияти ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган камчиликлари учун интизомий жавобгарликка тортилади.

51. Ҳужжатларнинг сақланиши ва белгиланган тартибда сақлашга берилиши учун Муассаса раҳбари жавоб беради.

XI. МУАССАСАНИ ТУГАТИШ

52. Муассаса қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

фаолият кўрсатиш муддати тугаганда;

уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганда;

ташкил қилиш вақтида қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланганда;

суд Муассаса давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, суднинг қарорига кўра;

охирги олти ой мобайнида фаолият кўрсатмаётган бўлса;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

53. Муассис ёки Муассасанинг ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган орган Муассасани тугатиш ҳамда тугатувчини (вакилни) тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

54. Муассасани тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи (вакил) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

55. Тугатилаётган давлат муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган ҳудуддаги солиқ органи томонидан унинг молия-хўжалик фаолияти текширилади, унинг муддати ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

56. Муассаса ўз мажбуриятларини ихтиёридаги маблағлар ҳисобига бажаради, бу маблағлар етарли бўлмаса, унинг муассиси томонидан бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

57. Бу маблағлар етарли бўлмаса, унинг муассиси тугатилаётган Муассасанинг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини қабул қилади.

58. Муассасанинг маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисmini ушбу Муассасанинг муассиси ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

59. Тугатилиши белгиланган Муассасанинг мол-мулклари кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан муассисга ўтказилади.

60. Муассасани тугатиш ишларининг сифатли, тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият ушбу давлат муассасасининг муассисига юкланади.

ХП. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

61. Ушбу Устав қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

62. Ушбу Устав талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

63. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан айрим турдаги Муассасанинг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқлари белгиланиши мумкин.

64. Мазкур Устав давлат рўйхатидан ўтказилганда қонуний кучга киради.

“Toshshaharnur” ДМ
бошлиғи



Ражабов У.Р.

Бирюкова Ирина
Владимировна
Лицензия L-70663887